

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил октябрь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Бахмал туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи туман судининг раиси Д.Амиров, судья ёрдамчиси С.Икрамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бахмал туман прокурорини ёрдамчиси Р.Курбанов, судланувчи С.Махаммадиев ва унинг ҳимоячиси “Фанина ҳимояси” адвокатлар хайъати адвокати М.Жўраевларни иштирокида, Махаммадиев Суннатилла Қабил ўғлига оид 1-1304-2501/22-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Махаммадиев Суннатилла Қабил ўғли (Махаммадиев Sunnatilla Qabil o'g'li), 1996 йил 06 январь куни Самарқанд вилояти, Каттакўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, “Қўштепа” ҚФЙ, “Файзикент” МФЙ, рақамсиз уйда яшайди, тергов органининг 2025 йил 20 августдаги қарори билан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

2025 йил 18 февраль куни Жиззах вилоят ИИБ ТҚХ ТҚКБ, Зомин туман ИИБ ТҚХ ТҚКГ ва ДХХ Зомин туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари давомида, телеграмм ижтимоий тармоғидаги “Al.qasos” номли (18 нафар аъзоси мавжуд бўлган) телеграмм канали холислар иштирокида кўздан кечирилганда, С.Махаммадиев ўзига тегишли бўлган “Infinix Smart 7 HD” русумли уяли телефон аппаратига ўрнатилган +99893-214-32-39 абонент рақамига “AFTORITET” номли аккаунт очиб, мазкур аккаунтига тергов ҳаракатлари давомида шахсига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаган шахслар томонидан яратилган “Al.qasos” (18 нафар аъзоси мавжуд бўлган) номли телеграмм каналининг эгалигини (админ) қўлга киритиб, 19.11.2023 йил соат 01:25да, (13 маротаба кўрилган) давомийлиги 02:36 дақиқадан иборат бўлган “Mujohidlar takbirlar ayting” номли, 11.10.2024 йил соат 23:39да (20 маротаба кўрилган) давомийлиги 02:20 дақиқадан иборат бўлган “Nasheed-AdiqAlA3iad-Jihad” номли, 11.10.2024 йил соат 23:39да (22 маротаба кўрилган) давомийлиги 02:53 дақиқадан иборат бўлган “Zalzilu Arsha Saliyb” номли, 11.10.2024 йил



соат 23:40да (22 маротаба кўрилган) давомийлиги 02:42 дақиқадан иборат бўлган “Kim Allohga taqvo qilsa, Allox uning ishini oson qilur/SHayx Sodiq Samarqandiy” номли, 13.10.2024 йил соат 16:59да (30 маротаба кўрилган) давомийлиги 04:02 дақиқадан иборат бўлган “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли, 13.10.2024 йил соат 16:59да (31 маротаба кўрилган) давомийлиги 04:06 дақиқадан иборат бўлган “63_Qizg'anaman” номли, 14.10.2024 йил соат 14:17да (23 маротаба кўрилган) давомийлиги 03:23 дақиқадан иборат бўлган “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни жойлаш орқали тарқатиб келганлиги аниқланган.

Мазкур аудиоматериаллар 1 дона “Leadisk” русумли DVD дискка кўчириб олиниб, судга оид диншунослик экспертизаси тайинланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитасининг 19.02.2025 йилдаги ИН-047-сонли хулосасига кўра, тадқиқот қисмининг 2-бандида кўрсатилган “Kim Allohga taqvo qilsa, Allox uning ishini oson qilur/SHayx Sodiq Samarqandiy” номли файлдаги маълумотларда Содиқ Самарқандийнинг фикрлари келтирилган бўлиб, унинг фикр, маъруза ва фатволари юртимизда анъанавий бўлган ханафийлик мазхаби ва мотурудийлик ақидасига зид бўлгани, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишига сабаб бўлаётгани боис, унинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга рухсат этилмаслиги, тадқиқот қисмининг 1-бандида кўрсатилган файлдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган “Ўзбекистон исломий ҳаракати-О’ИН (Туркистон исломий ҳаракати-ТИН)” террорчи ташкилотига тегишли эканлиги, тадқиқот қисмининг 3-бандида кўрсатилган “Mujohidlar takbirlar ayting” номли материалдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2016-йил 26-сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган “Тавхид ва жиҳот катибаси” террористик ташкилотига тегишли эканлиги, тадқиқот қисмининг 3 ва 4-бандларида кўрсатиб ўтилган файллардаги маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Махаммадиев айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2017-2023-йилларда Россия Федерациясида мавсумий равишда икки маротаба ишлаб келганлигини, шундан сўнг Россия Федерациясига киришга тақиқ ўрнатилгани сабабли бошқа ишга боролмаганлигини, сўнра Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларига ишлашга бориб келганлигини, 2024 йилдан ҳозирги кунга қадар Тошкент шаҳрида қурилиш ишларида ишлаб келганлигини, у 2022 йилдан бошлаб интернет ижтимоий тармоқларидан фойдаланишни бошлаганлигини, унинг “Odnoklassniki.ru” сайтида “Махаммадиев Суннатилла” номли профили мавжуд бўлиб, ушбу профилига фотосуратларини жойлаб, ижтимоий тармоқ орқали қизлар билан танишиш учун кириб турганлигини, 2022 йилда Россия Федерациясида ишлаб юрган вақтларидан буён “Telegram” мессенжерида 93-214-32-39 абонент рақамига очилган “AFTARITET” юмли аккаунтидан фойдаланиб келганлигини, 2022 йилда “Telegram” мессенжерида ўзининг номига расмийлаштирилган 93-214-32-39 абонент



рақамига очилган “AFTARITET” номли akkaунти орқали “Қадрдонлар” номли каналга аъзо бўлганлигини, ушбу каналга барча аъзо бўлиши ва хабар ёзиш мумкин бўлиб, кўпчилик йигит-қизлар бир-бирлари билан танишиш учун ёзишиб туришганлигини, мазкур каналнинг 10.000дан ортиқ аъзоси бор бўлганлигини, каналда Андижонлик “Мадина” исмли қиз билан ёзишиб танишиб қолганлигини, “Мадина” исмли қиз уни “Al.qasos” номли гуруҳга қўшиб қўйганлигини, ушбу гуруҳнинг 18 нафар аъзоси бўлганлигини, 2022 йил охирида “Мадина” исмли қиз akkaунтини ўчириб ташлагани сабабли “Al.qasos” номли гуруҳда “Удалённый akkaунт” бўлиб қолганлигини, мазкур “Al.qasos” номли гуруҳга кўпчилик аъзолар диний мазмундаги медиа материалларни ташлаб туришганлигини, у ҳам баъзи вақтларда Ўзбекистонга қайтиб келганидан сўнг диний мазмундаги нашидаларни ташлаб турганлигини, 2025 йил 10 март куни яшаш уйига Жиззах вилояти ИИБ ходимлари боришиб, уни бир “Telegram” каналига аъзо бўлгани учун тезкор суриштирув ҳаракатлари ўтказилаётганлигини айтишиб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олиш учун идораларига таклиф қилишганлигини, шундан сўнг у Жиззах вилояти ИИБга борганида, ходимлар уни “Al.qasos” номли гуруҳга турли хил диний мазмундаги медиа материалларни тарқатиб келганини аниқлашганлигини, жумладан, “Al.qasos” номли гуруҳга жами 18 нафар akkaунт фойдаланувчиси аъзо эканлигини, ушбу каналнинг бош менюсидаги фото қисмига қора кийимдаги қора ниқоб таққан икки нафар эркак жинсидаги номаълум шахсларнинг фотосуратлари жойланганлигини, таклиф ҳаволаси “t.me/jannatga_oshiq_qalblar” деб номланганлиги, каналнинг постлар бўлимида 1 та видео, “Media” бўлимида 1909 та фотосурат, 3229 та видеофайл мавжудлиги, “Ҳаволалар” бўлимида 306 та ҳавола, “Муסיқа” бўлимида 1279 та аудиофайл, “Овоз” бўлимида 422 та овозли хабар мавжудлиги, мазкур каналга унинг “AFTARITET” номли (id: коди 6513364368 бўлган) akkaунти ҳам аъзо эканлиги, каналнинг “фойдаланувчи номи” қисмига “@JANNATDAGII_RIJOLLAR”, таржимаи хол қисмига “Alhamdulillah.https://t.me/jannatga_oshiq_qalblar”- деб ёзилганлиги, у томонидан: -19.11.2023 йил соат 01:25да 13 маротаба кўрилган давомийлиги 02:36 дақиқадан иборат “Mujohidlar takbirlar ayting” номли; 11.10.2024 йил соат 23:39да 20 маротаба кўрилган давомийлиги 02:22 дақиқадан иборат бўлган “Nasheed-AdiqAIA3iad- Jihad” номли; 11.10.2024 йил соат 23:39да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:53 дақиқадан иборат бўлган “Zalzilu Arsha Saliyb” номли; 11.10.2024 йил соат 23:40да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:42 дақиқадан иборат бўлган “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/ Shayh Sodiq Samarqandiy” номли; 13.10.2024 йил соат 16:59да 30 маротаба кўрилган давомийлиги 04:02 дақиқадан иборат бўлган “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли; 13.10.2024 йил соат 16:59да 31 маротаба кўрилган давомийлиги 04:06 дақиқадан иборат бўлган “63_Qizg'naman” номли; 14.10.2024 йил соат 14:17да 23 маротаба кўрилган давомийлиги 03:23 дақиқадан иборат бўлган “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни “Al.qasos” номли гуруҳга жойлаштирилиб тарқатиб



келганлиги аниқланганлигини, ўзига тегишли бўлган 1 дона “Infinix Smart 7” русумли уяли телефон аппаратини келгусида текшириб кўришлик учун холислар иштирокида хужжатлаштириб олишганлигини, ҳақиқатдан ҳам юқорида номлари келтириб ўтилган аудиоматериалларни “Al.qasos” номли гуруҳга жойлаб келганлигини, сабаби ушбу гуруҳда бўлган шахслар гуруҳдан чиқиб, кетмаслиги, гуруҳга кўпроқ аъзо йиғиш нияти бўлганлигини, у ислом динига эътиқод қилишлигини, динга нисбатан оддий инсонлар каби муносабатда бўлишлигини, намоз ўқимаслигини, ўқишни ҳам билмаслигини, “Al.qasos” номли телеграм гуруҳининг эғалигини тахминан 2022 йил октябрь ойида олганлигини, ушбу гуруҳнинг эғалигини олган вақтида ҳеч ким гуруҳга диний мазмундаги аудиоматериалларни жойлаштирамаганлигини, 2023 йилдан бошлаб, ушбу гуруҳга “Mujohidlar takbirlar ayting”, “Nasheed-AdiqAlA3iad- Jihad”, “Zalzilu Arsha Saliyb”, “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/ Shayh Sodiq Samarqandiy”, “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА”, “63_Qizg’naman”, “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни жойлаштириб келганлигини, у “Al.qasos” номли гуруҳга 2023-2024 йилларда юқорида номлари санаб ўтилган диний мазмундаги медиа материалларни бошқа гуруҳ ёки каналлардан юклаб олиб, ташлаб қўйганлигини, тақиқланган диний мазмундаги медиа материалларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик борлигидан хабари бўлмаганлигини, ушбу аудиоматериалларни “Al.qasos” номли гуруҳдан бошқа ҳеч кимга тарқатмаганлигини, диний таълимотга эга бўлмагани сабабли ушбу аудиоматериалларни тарқатганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, бу ҳолатни бошқа такрорламаслигини, келгусида қайта жиноят содир этмаслини баён қилиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ О.Алмухаммедов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини, 2025 йил 18 февраль куни соат 17:10ларда Зомин туман ИИБ биноси олдидан ўтиб кетаётганида, ИИБ ходимлари ундан бир ишда холис бўлишини сўрашганлигини, холис сифатида иштирок этиш фуқаролик бурчи бўлганлиги сабабли ИИБ ходимларининг таклифига рози бўлганлигини, ундан ташқари К.Саидкаримов ҳам холис сифатида иштирок этганлигини, улар ИИБ ходимлари билан туман ИИБ биносининг иккичи қавати 16-хонасига борганларида, ўзини Зомин туман ИИБ ТҚХ ТҚКГ катта тезкор вакили И.Бекмуродов деб тантиштирган ходим Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган холиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ишнинг моҳиятини тушунтирганлигини, шундан сўнг хонада ўтказилган “Предметларни ва хужжатларни текшириш” тезкор-қидирув тадбири давомида, “Telegram” дастурида очилган “Al.qasos” номли канал уларнинг иштирокида кўздан кечирилганида қуйидагилар аниқланганлигини, кўздан кечириш мақсадида, Зомин тумани ИИБ хизмат хонасида ходим И.Бекмуродовнинг шахсий “HONOR 70” юмли телефон аппарати орқали интернет тармоғининг “Telegram” дастурига кирилганда “Al.qasos” номли 18 нафар обуюначилари бўлган



канал мавжудлиги, ушбу каналнинг бош менюсидаги фото қисмига қора кийимдаги қора ниқоб таққан икки эркак жинсли номаълум шахсларнинг фотосурати жойланганлиги, тақлиф ҳаволаси “t.me/jannatga_oshiq_qalbllar” дея номланганлиги, каналнинг “postlar” бўлимида 1 та видео, “media” бўлимида 1909 та расм, 3229 та видео, “Navolalar” бўлимида 306 та ҳавола, “Musiqа” бўлимида 1279 та мусиқа файли, “Ovoz” бўлимида 422 та овозли хабар мавжудлиги, ушбу канални кўздан кечириш давомида, «AFTARITET» номли (id:6513364368) akkaунт ушбу каналга эга сифатида рўйхатдан ўтганлиги, akkaунтнинг “Foydalanuvchi nomi” қисмига «@JANNATDAGII_RIJOLLAR», “Tarjimai hol” қисмига «Alhamdulillah. https://t.me/jannatga_oshiq_qalbllar» дея, ёзилганлиги, ушбу akkaунт эгаси томонидан ушбу каналга 2023 йил 19 ноябрь куни соат 01:25да 13 маротаба кўрилган давомийлиги 02:36 дақиқа “Mujohidlar takbirlar aytin” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 20 маротаба кўрилган давомийлиги 02:22 дақиқа “Nasheed – AdiqAlA3iad- Jihad” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:53 дақиқа “Zalzilu Arsha Saliyb” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:40да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:42 дақиқа “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/ Shayx Sodiq Samarqandiy” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 30 маротаба кўрилган, давомийлиги 04:02 дақиқа “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 31 маротаба кўрилган давомийлиги 04:06 дақиқа “63_Qizg`anaman” номли, 2024 йил 14 октябрь куни соат 14:17да 23 маротаба кўрилган давомийлиги 03:23 дақиқа “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни жойлаш орқали тарқатиб келганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, олинган жами 7 дона аудиоматериаллар текшириб кўриш ва «Судга оид диншунослик экспертизаси» тайинлаш мақсадида 1 дона «DVD-R» диск хотирасига кўчириб олинганлигини, суриштирув ишлари давомида ИИБ ходими томонидан ушбу фойдаланувчи номи «@JANNATDAGII_RIJOLLAR» дея номланган akkaунт эгаси Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, “Кўштепа” ҚФЙ, Файзикент кишлоғида яшовчи 06.01.1996 йилда туғилган фуқаро Махаммадиев Суннатилла Қабил ўғли эканлиги маълум қилинганлигини, кўздан кечириш жараёнида ушбу профилдаги материаллардан скриншот тарикасида нусха олиниб, баённомага илова қилинганлигини, кўздан кечириш жараёни “Нонор 70” русумли шахсий телефон аппарати ёрдамида видеотасвирга олинганлигини, “Al.qasos” номли каналда содир этилган хатти-ҳаракатлар экран ёзувига видеотасвирга олиниб, баённомага илова қилинганлигини, тузилган баённома иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилиб, улар томонидан имзоланганлигини баён қилди.

Гувоҳ К.Саидкаримов судда, худди гувоҳ О.Алмухаммедовнинг кўрсатувига ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Шавкатов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини, 2025 йил 10 март куни соат 12:15ларда Зомин тумани “Мустақиллик” маҳалласи биноси олдидан ўтиб



кетаётганида, фуқаролик кийимида бўлган шахс келиб, ўзини Зомин туман ИИБ ходим деб таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, бир ишда холис бўлишини илтимос қилганлигини, у ИИБ ходимининг таклифига рози бўлганлигини, ундан ташқари И.Абдуҳақимов ҳам холис сифатида иштирок этганлигини, улар ИИБ ходимлари билан маҳалла биносининг биринчи қаватида жойлашган профилактика инспекторининг хонасига кирганларида, ўзини Зомин туман ИИБ ТҚХ ТҚКГ катта тезкор вакили И.Бекмуродов деб тантиштирган ходим уларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган холиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда ишнинг моҳиятини тушунтирганлигини, шундан сўнг, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, “Кўштепа” ҚФЙ, Файзикент қишлоғида яшовчи фуқаро С.Махаммадиевга тегишли, унинг фойдаланувида бўлган “Infinix Smart 7HD” русумли телефон аппарати уларнинг иштирокида кўздан кечирилганида, “Telegram” мессенжерида +998932143239 абонент рақами орқали рўйхатдан ўтган “Foydalanuvchi nomi” қисмига “@JANNATDAGII_RIJOLLAR” бўлган, “Tarjimai hol” қисмига “Alhamdulillah https://t.me/jannatga_oshiq_qalblar” дея ёзилган, “Postlar” бўлимига 195 дона фото ва видеоматериаллар жойланган «AFTARITET» номли (id: 6513364368) номли профили орқали 2023 йил 28 январь куни таклиф ҳаволаси “t.me/jannatga_oshiq_qalblar” дея номланган, «Alqasos» номли 17 нафар обуначилари бўлган каналга қўшилиб, ушбу канал “админ”лигини олганлиги, ушбу каналнинг бош менюсидаги фото қисмига қора кийимдаги қора никоб таққан икки эркак жинсли номаълум шахсларнинг фотосурати жойланганлиги, каналнинг “postlar” бўлимида 1 та видео, “media” бўлимида 1909 та расм, 3229 та видео, “Navolalar” бўлимида 306 та ҳавола, “Musiqqa” бўлимида 1279 та мусиқа файли, “Ovoz” бўлимида 422 та овозли хабар мавжудлиги, ушбу канални кўздан кечириш давомида, С.Қ.Махаммадиев томонидан «AFTARITET» номли профили орқали ушбу каналга 2023 йил 19 ноябрь куни соат 01:25да 13 маротаба кўрилган давомийлиги 02:36 дақиқа “Mujohidlar takbirlar aytin” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 20 маротаба кўрилган давомийлиги 02:22 дақиқа “Nasheed – AdiqAlA3iad-Jihad” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:53 дақиқа “Zalzilu Arsha Saliyb” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:40да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:42 дақиқа “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/ Shayx Sodiq Samarqandiy” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 30 маротаба кўрилган давомийлиги 04:02 дақиқа “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 31 маротаба кўрилган давомийлиги 04:06 дақиқа “63_Qizg`anaman” номли, 2024 йил 14 октябрь куни соат 14:17да 23 маротаба кўрилган давомийлиги 03:23 дақиқа “Nasheed Tora Vora” номли аудиоматериалларни жойлаш орқали тарқатганлиги аниқланиб, текшириб кўриш учун “Infinix Smart 7HD” русумли телефон аппарати С.Махаммадиевдан хужжатлаштириб олинганлигини, олинган ками 7 дона аудиоматериаллар текшириб кўриш ва “Судга оид



диншунослик экспертизаси” тайинлаш мақсадида 1 дона “DVD-R” диск хотирасига кўчириб олинганлигини, кўздан кечириш жараёнида ушбу профилдаги материаллардан скриншот тариқасида нусха олиниб, баённомага илова қилинганлигини, кўздан кечириш жараёни “HONOR 70” русумли шахсий телефон аппарати ёрдамида видеотасвирга олинганлигини, шунингдек, “Al.qasos” номли каналда содир этилган хатти-ҳаракатлар экран ёзувига видеотасвирга олиниб, баённомага илова қилинганлигини, ҳолат юзасидан баённома тузилиб, иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилганлигини, у баённома билан танишиб чиқиб, имзоси билан тасдиқлаб берганлигини баён қилди.

Гувоҳ И.Абдуҳакимов судда, худди гувоҳ Ш.Шавкатовнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ И.Бекмуродов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлаб, 2025 йил 18 февраль куни олинган тезкор маълумотга асосан ДХХ Зомин туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор қидирув тадбирлари давомида, интернет ижтимоий тармоғининг телеграмм мессенжеридаги “Al.qasos” номли холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечирилганда, каналда 18 нафар обуначилари мавжудлиги, ушбу каналнинг бош менюсидаги фото қисмига қора кийимдаги қора ниқоб таққан икки эркак жинсли номаълум шахсларнинг фотосурати жойланганлиги, таклиф ҳаволаси “t.me/jannatga_oshiq_qalblar” дея номланганлиги, каналнинг “postlar” бўлимида 1 та видео, “media” бўлимида 1909 та расм, 3229 та видео, “Navolalar” бўлимида 306 та ҳавола, “Musiqa” бўлимида 1279 та мусиқа файли, “Ovoz” бўлимида 422 та овозли хабар мавжудлиги, ушбу канални кўздан кечириш давомида, “AFTARITET” номли (id: 6513364368) akkaunt ушбу каналга эга сифатида рўйхатдан ўтганлиги, akkauntнинг “Foydalanuvchi nomi” қисмига «@JANNATDAGII_RIJOLLAR», “Tarjimai hol” қисмига «Alhamdulillah. https://t.me/jannatga_oshiq_qalblar» дея ёзилганлиги, ушбу akkaunt эгаси томонидан ушбу каналга, 2023 йил 19 ноябрь куни соат 01:25да, 13 маротаба кўрилган, давомийлиги 02:36 дақиқа “Mujohidlar takbirlar ayting” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 20 маротаба кўрилган давомийлиги 02:22 дақиқа “Nasheed – AdiqAlAzid- Jihad” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:53 дақиқа “Zalzilu Arsha Saliyb” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:40да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:42 дақиқа “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/ Shayx Sodiq Samarqandiy” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 30 маротаба кўрилган давомийлиги 04:02 дақиқа “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 31 маротаба кўрилган давомийлиги 04:06 дақиқа “63_Qizg`anaman” номли, 2024 йил 14 октябрь куни соат 14:17да 23 маротаба кўрилган давомийлиги 03:23 дақиқа “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни жойлаш орқали тарқатиб келганлиги аниқланиб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилганлиги, ушбу 7 дона аудиоматериаллар текшириб кўриш ва “Судга оид диншунослик экспертизаси” тайинлаш мақсадида 1 дона “DVD-R” диск хотирасига кўчириб олинганлигини, олиб борилган тезкор қидирув



тадбирлари давомида, фойдаланувчи номи “@JANNATDAGII_RIJOLLAR” дея номланган akkaунт эгаси Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, “Кўштепа” ҚФЙ, Файзикент қишлоғида яшовчи, 06.01.1996 йилда Каттакўрғон туманида туғилган фуқаро Махаммадиев Суннатилла Қабил ўғли эканлиги аниқланганлигини, шундан сўнг, Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, “Кўштепа” ҚФЙ, Файзикент қишлоғида яшовчи фуқаро С.Махаммадиев 2025 йил 10 март куни Зомин тумани “Мустақиллик” МФЙ биносига таклиф қилиниб, унга тегишли бўлган “Infinix Smart 7HD” русумли телефон аппарати ўз хошишига кўра, холислар иштирокида кўздан кечирилганда, “Telegram” мессенжериди +998932143239 абонент рақами орқали рўйхатдан ўтган “Foydalanuvchi nomi” қисмига “@JANNATDAGII_RIJOLLAR” бўлган, “Tarjimai hol” қисмига “Alhamdulillah https://t.me/jannatga_oshiq_qalbllar” дея ёзилган, “Postlar” бўлимига 195 дона фото ва видеоматериаллар жойланган “AFTARITET” номли (id: 6513364368) номли профили орқали 2023 йил 28 январь куни таклиф ҳаволаси “t.me/jannatga_oshiq_qalbllar” дея номланган, “Al.qasos” номли 17 нафар обуначилари бўлган каналга қўшилиб, ушбу канал “админ”лигини олганлиги ва “AFTARITET” номли профили орқали ушбу каналга 2023 йил 19 ноябрь куни соат 01:25да 13 маротаба кўрилган давомийлиги 02:36 дақиқа “Mujohidlar takbirlar ayting” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 20 маротаба кўрилган давомийлиги 02:22 дақиқа “Nasheed – AdiqAlAzid- Jihad” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:39да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:53 дақиқа “Zalzilu Arsha Saliyb” номли, 2024 йил 11 октябрь куни соат 23:40да 22 маротаба кўрилган давомийлиги 02:42 дақиқа “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur /Shayx Sodiq Samarqandiy” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 30 маротаба кўрилган давомийлиги 04:02 дақиқа “НАШИДА МУЖАХИД ЙИГИТЛАР ИСЛАМ ШЕРЛАРИ УЗБЕКЧА НАШИДА” номли, 2024 йил 13 октябрь куни соат 16:59да 31 маротаба кўрилган, давомийлиги 04:06 дақиқа “63_Qizg`anaman” номли, 2024 йил 14 октябрь куни соат 14:17да 23 маротаба кўрилган давомийлиги 03:23 дақиқа “Nasheed Tora Bora” номли аудиоматериалларни жойлаш орқали тарқатганлиги аниқланиб, текшириб кўриш учун “Infinix Smart 7HD” русумли телефон аппарати С.Махаммадиевдан ҳужжатлаштириб олинганлигини, сўнгра 7 дона аудиоматериаллар текшириб кўриш ва “Судга оид диншунослик экспертизаси” тайинлаш мақсадида 1 дона “DVD-R” диск хотирасига кўчириб олиниб, кўздан кечириш жараёнида ушбу профилдаги материаллардан скриншот тариқасида нусха олиниб, баённомага илова қилинганлигини, кўздан кечириш жараёни унга тегишли бўлган “HONOR 70” русумли телефон аппарати ёрдамида видеотасвирга олинганлигини, ҳолат юзасидан судга оид диншунослик экспертизаси тайинланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 19.02.2025 йилдаги ИН-047-сонли хулосасига кўра, тадқиқот қисмининг 2-бандида кўрсатилган “Kim Allohga taqvo qilsa, Alloh uning ishini oson qilur/Shayx Sodiq Samarqandiy” номли файлдаги маълумотларда Содиқ Самарқандийнинг фикрлари келтирилган бўлиб, унинг фикр, маъруза ва қатволари юртимизда анъанавий бўлган ханафийлик мазхаби ва мотурудийлик



ақидасига зид бўлгани, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзга келишига сабаб бўлаётгани боис, унинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатишга рухсат этилмаслиги, тадқиқот қисмининг 1-бандида кўрсатилган файлдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган “Ўзбекистон исломий ҳаракати-О’ИН (Туркистон исломий ҳаракати -ТИН)” террорчи ташкилотига тегишли эканлиги, тадқиқот қисмининг 3-бандида кўрсатилган “Mujohidlar takbirlar ayting” номли материалдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди 2016-йил 26-сентябрьдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган “Тавҳид ва жиҳот катибаси” террористик ташкилотига тегишли эканлиги, тадқиқот қисмининг 3 ва 4-бандларида кўрсатиб ўтилган файллардаги маълумотлар ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилганлигини кўрсатилганлиги сабабли тўпланган ҳужжатлар тергов органига юборилганлигини баён қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини ва ҳимоячини фикрини, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи С.Махаммадиевнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари, дастлабки терговда сўроқ қилинган судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ К.Саидқаримов, З.Бахтибоева, С.Ахмедовларнинг кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларида мавжуд судга оид диншунослик экспертизаси хулосаси, предметларни ва ҳужжатларни текшириш тезкор қидирув тадбирини ўтказиш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фото илова ва жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК нинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукми ЖПК нинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини



этиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи С.Махаммадиевни содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Махаммадиевнинг оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлашда ифодаланган ҳаракати ЖК 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг этибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амалга қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-банди 2-хатбошисида “Жазолашдан кўзланган мақсадга енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий



хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи С.Махаммадиевга жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги” 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг ҳаракатида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини ЖКнинг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қайд этиб ўтилган жазони енгиллаштируви ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, унга нисбатан у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб топилиб, жиноят ишига қўшилган бир дона ДВД дискларни жиноят иши билан бирга қўшиб сақлашни, судланувчи С.Махаммадиевнинг +99893-214-32-39 абонент рақамига “AFTORITET” номли akkaунти билан очилган “Telegram” мессенжериди ташкил қилинган “Al.qasos” номи “Telegram” канал (интернет-ресурс профиллари, канал, видеохостинг)ларини белгиланган тартибда блоклашни ва суд қарорининг мазкур бандини ижро этиш учун ДХХнинг Самарқанд вилоят бошқармасига юборишни, ҳукм қонуний кучга киргач, ашёвий далил деб топилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган “Infinix Smart 7 HD” русумли русумли уяли алоқа воситасини жиноят қуроли деб эътироф этиб, мазкур уяли алоқа воситасидаги барча маълумотларни ўчиришни ва уни белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Махаммадиев Суннатилла Қабил ўғли (Махаммадиев Sunnatilla Qabil o‘g‘li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 244¹-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан ЖК нинг 57-моддаси қўлланиб, ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, “Кўштепа” ҚФЙ, “Файзикент” МФЙдаги рақамсиз уйи жазони ўтиш жойи этиб белгилансин.

Судланувчи С.Махаммадиевнинг зиммасига:

- интернетдан фойдаланмаслик;
- муайян жойларга бормаслик;



- жазо ижросини назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ва иш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти худудидан ташқарига чиқмаслик;

Судланувчи С.Махаммадиев, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талабига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани ИИБ Пробация гуруҳи бошлиғи зиммасига юклатилсин.

С.Махаммадиевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров тариқасида Жиззах вилоят ИИБ ТБ депозит ҳисоб рақамига топширилган 8.000.000 (саккиз миллион) сўм пул маблағлари ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг гаровга қўювчи С.Махаммадиевга қайтарилсин.

Ашёвий далил деб топилиб, жиноят ишига қўшилган бир дона ДВД дисклар жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ашёвий далил деб топилиб жиноят иши ҳужжатларига қўшилган “Infinix Smart 7 HD” русумли русумли уяли алоқа воситасини жиноят қуроли деб эътироф этиб мазкур уяли алоқа воситасидаги барча маълумотларни ўчириб уни белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Судланувчи С.Махаммадиевнинг +99893-214-32-39 абонент рақамига “AFTORITET” номли akkaунти билан очилган “Telegram” мессенжериде ташкил қилинган “Al.qasos” номи “Telegram” канал (интернет-ресурс профиллари, канал, видеохостинг)ларини белгиланган тартибда блоклаш ва суд қарорининг мазкур бандини ижро этиш учун ДХХнинг Самарқанд вилоят бошқармасига юборилсин.

Тарафларга ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация тартибида шу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Д.Амиров

Маъсул судья: Амиров Дилмурод Амирович

